## ЯНГИ ЗАМОН ОДАМЛАРИ

**Салом Ғаниевни Музработ тумани чўлқуварлари яхши билишади. У — Таллашқон массивидан ер очиб, ғўза ўстириб, юқори ҳосил олиб элнинг назарига тушган деҳқонлардан бири. Бугун эса, кимсан, фермер. Уни Салом фермер, дейишади ҳамқишлоқлари.**

**Айни чоғда у киройи деҳқон хўжалигининг ҳам соҳибидир. Айтгандай, фермер деганда сиз қандай одамни тасаввур этасиз? Ўзингизни қийнамай қўя қолинг. Биз айни Салом Ғаниевнинг иш фаолияти, тажрибаси мисолида бу саволга шундай жавоб топдикки, унга сиз ҳам қўшиласиз, деган умиддамиз.**

# МУЗРАБОТЛИК САЛОМ ФЕРМЕР

### 1. ТОМОРҚАЧИ

Гапнинг индаллосини бу масаладан бошлаганимизнинг сабаби бор. Йўлбошчимиз республика Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзлаган нутқида ана шу масалага алоҳида тўхталиб: **«Деҳқон хўжалиги нима асосда, қандай заминда пайдо бўлаяпти? — деди. — Авваламбор, томорқалар заминида... Деҳқон хўжалигининг асосий мақсади, манфаати, аҳамияти шундан иборатки, деҳқон хўжалиги эртага маҳсулот — товар чиқарадиган бўлса, яъни ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқадиган бўлса, бу масалада давлатнинг юкини енгил қилади. Деҳқон хўжалиги ўзини ўзи боққан тақдирда ҳам бундай хўжаликларнинг афзаллигини қадрлашимиз ва қўллашимиз даркор».**

Шу маънода, Салом Ғаниевнинг томорқаси бугунги кунда фақат оиласини боқмаяпти, балки давлатнинг юкини енгил қилаётир. Унинг 50 сотих томорқасида тўрт фасл мобайнида турли мевали дарахтлар шовуллаб туради. Гўё ўзингизни катта бир боққа кириб қолгандай ҳис этасиз. Улар бу мевали дарахт кўчатларини кўкартириб, бошқа зироат экинларига нисбатан кўпроқ даромад олиши мумкинлигини исботлабгина қолмасдан, қўшниларига чўл шароитида ҳам мўл мева ҳосили етиштиришни амалда кўрсатдилар.

Кўп йиллар давомида Салом ака Сариосиё ва Тожикистон томонларга бориб, тажрибали боғбонларни сўраб-суриштириб, улардан сархил ва серҳосил нав мевали дарахтлар кўчатларини келтириб, томорқасига ўтқазаверди. Пулидан қочмади. Қиммат бўлса ҳам, харид қилаверди. Мана, ҳозир бу ерда 80 туп анор, 30 туп хурмо, 80 туп хубони олма, 50 туп эртапишар гилос, 20 туп ўрик дарахти ҳовлининг кўркига-кўрк қўшиб турибди. Ҳаммаси ҳосилга кирган. Биргина ўтган йили қарийб 2 тонна анор, 4 тонна хурмо ва гилос, 3 тоннадан кўпроқ ўрик бозорга чиқариб сотилди. Ишкомга кўтарилган токлардан ҳам оила эҳтиёжига яраша сархил узум олинмоқда. Бундан ташқари, 1,8 сотих иссиқхонада 30 туп лимон дарахти парвариш қилинаётир. Бу ердан эса йилига бир тоннадан ошиқ ҳосил саранжомланаяпти. Даромадни ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Шу мисолнинг ўзиёқ ишбилармон одамнинг нималарга қодирлигини кўрсатиб турибди. Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик.Сурхон воҳаси аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Деярли ҳаммасининг томорқаси бор. Бироқ қишлоқликларнинг кўпчилиги, худди шаҳарликлардек, кўкатдан бошлаб картошкагача — ҳамма нарсани сотиб олади. Айримларнинг томорқасида ҳатто қиёқ ҳам ўсмайди. Яна шундай оилалар борки, 30-40 сотих томорқаси бўла туриб, битта дарахт ўстириб кўрмаган ҳали. Уларнинг бола-чақалари қўлидан йил — ўн икки ой мобайнида тўрхалта тушмайди: олма деса, анор деса, бозорга чопади, картошка, помидор керак бўлса, дўконга югуради. Ахир, Ғаниевлар оиласида бор ер, сув ва шунга ўхшаш шароитлар бошқаларда ҳам бор-ку?! Томорқасини ажриққа бостириб қўйган одамлар ердан самарали фойдаланишни Салом акадан ўргансалар, ундан ибрат олсалар ёмон бўлмасди.

### 2. ҒАЛЛАКОР

Салом аканинг уйидан юз метр нарида катта канал бор. Каналнинг юқори қисмида эса 2 гектарча ташландиқ ер бўлиб, қаровсиз ҳолда қамиш босиб ётарди. Салом Ғаниев фарзандлари билан шу майдонни ўзлаштириб, ерга гўнг солишди, текислашди. Ҳозир бу пайкални кўрган кишининг ҳаваси келади.

Ишбилармонлар ҳар йили ана шу майдонга буғдой экиб, 55-60 центнердан зиёд дон етиштирмоқдалар. Анғизга эса такрорий экин сифатида маккажўхори ва бошқа экинлар ҳам экилмоқда.

Ва табиийки, оиланинг ҳамёнига мўмайгина даромад тушаётир.

### 3. ПАХТАКОР

У томорқаси ва 2 гектар ерда етиштириладиган мева, ғалла ва бошқа экинлар ҳосилидан олинадиган даромад ҳисобига ҳам дориломон яшаши мумкин эди. Лекин табиатан тиниб-тинчимас одам эмасми, ҳамма жойда мустақил хўжаликлар тузилаётганига ҳавас қилиб, хотини Зайнаб опа, ўғиллари Ғайрат, Фарҳод, Шомуҳаммад, қизлари Феруза ва Қундуз, келини Санобарлар билан 1994 йилда А. Қодирий номли деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси ҳудудида «Абдусалом» фермер хўжалигини ташкил этди. Шу-шу, улар ўз далаларида ғўза ва ғалла ўстириб, мўл ва сифатли ҳосил етиштирмоқдалар. Айниқса, ўтган йилги ютуқ салмоқли бўлди. Эрта баҳорда 32 гектар ерга чигит экилган эди. Ёз давомида Ғайрат чопиқ трактори билан ғўза қатор ораларига ишлов берган бўлса, Шомуҳаммад қўшнилари билан бирга ниҳолларни оби-тобида суғорди, бошқалар эса бегона ўтларга қирон келтиришди. Хуллас, мўлжалдаги пахтани етиштириш мақсадида ҳамма бир тан, бир жон бўлиб курашди.

Пахта қийғос очилгач, пайкалга атиги бир марта терим агрегати киритилиб, жуда қисқа муддатда 112 тонна хомашё йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 35 центнердан ошди. Якунда 2 миллион 700 минг сўм даромад, шу жумладан, 600 минг сўмдан зиёд соф фойда қўлга киритилди. Бир ишчи ҳисобига 207,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. **Аъзоларнинг ўртача ойлик иш ҳақи эса 4800 сўмни ташкил этди.** Қиёс: фермер хўжалигининг даласига туташ майдонда пахта ўстирган Шоймурод Хоннаев, Абдулла Холиёров бошлиқ бригадаларда бу кўрсаткич 1200-1500 сўмдан тўғри келди. Бундан ташқари, фермер хўжалиги аъзолари ихтиёрида 27 тонна тола қолди. Бу — қўшимча 900 минг сўм даромад дегани.

— Пахтачилик серташвиш иш, ўз техникангбўлмаса, муродинг ушалиши қийин, — дейди Салом ака. — Бизда «Олтой» ҳам, чопиқ трактори ҳам, тележкалар ҳам қўшақўша. Ҳаммасини даромадимизнинг бир қисмидан кечиб харид қилганмиз. Техникаларимиз оғиримизни енгил қилиш билан бирга, 1 миллион сўм даромад ҳам келтирди. Ҳайрон бўлаяпсизми? Уларни қўшни бригадалар, пахтани қайта ишлаш заводига ижарага ҳам бериб турамиз-да...

Салом Ғаниев ҳар бир ишни ҳисоб-китоб билан бажаради. Бир далил. Ҳали кўпгина хўжаликлар раҳбарлари маъданли ўғит жамғариш ҳақида ўйлаб кўрмаган пайтда — ўтган йилнинг сентябрь ойида фермер хўжалиги аъзолари мўлжалдагидан зиёд ўғитни келтириб, омборга босиб қўйишди. Шунинг ҳисобига ҳам анча миқдорда маблағ тежалди. Чунки ўғит нархи кун сайин кўтарилиб бораётгани сир эмас.

### 4. БОЙ ОДАМ

Томорқага қалб қўри, кўз нури, билак кучини бахшида этган одам, ҳақиқий ғаллакор ва пахтакор, қўйингки, тадбиркор киши бой бўлади, албатта.

Салом Ғаниев ҳам бадавлат кишиларнинг бири: яп-янги «Нексия» машинаси, беками-кўст участкаси бор. Аммо бундай тоифадаги бойлардан қўрқмаслигимиз керак. Нега дейсизми? Унинг қўли очиқлигини андак баён этсак, яна бир хислатини ўқувчига аён қилган бўламиз.

Гап шундаки, Салом ака қишлоқдошларидан саховатини аямайди. Ўтган йили шифохонани таъмирлашга 30 минг сўм, Мирзо Улуғбек номли мактабда болаларга пухта билим бераётган ўқитувчиларни мукофотлаш учун 70 минг сўм, маҳалладаги қабристонни ободонлаштириш ишига эса 120 минг сўм маблағ ажратди. Айни чоғда Ободон қишлоғидаги бир гуруҳ ногирон кишилар ҳам унинг моддий ёрдамидан баҳраманд.

Сезаяпсизми? «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилмоқ лозим» деган қоида Салом Ғаниевнинг азму қарорига айланган. Бундай кишилар эса ҳамиша халқ ва Ватан манфаатини ўз манфаатидан устувор деб биладилар.

### 5. ЯНГИЧА ФИКР ЭГАСИ

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилингани айни муддао бўлди, — дейди Салом ака худди йўқотган нарсасини топиб олган кишидай қувониб. — Чунки бу қонунлар биз, деҳқон (фермер)ларнинг ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қиладиган ҳужжатлардир. Уларда деҳқон (фермер) хўжаликларига дахлдор барча масалалар қамраб олинган. Менга, айниқса, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасидаги «Фермер хўжалиги мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга», деган жумлалар жуда ёқди. Сабаби — биз мустақил фермер хўжалиги бўлсак-да, илгари бошқалар бўлар-бўлмасга ишимизга аралашаверарди. Энди бунга чек қўйилди.

Суҳбат асносида у мамлакатимиз раҳбарияти қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор бераётганидан мамнунлигини билдирди.

— Бугун қишлоқда амалга оширилаётган ҳар бир тадбир келгусида деҳқоннинг фаровон турмуш кечиришини таъминлайди, — сўзида давом этди у. — Биз буни қалбдан тушунишимиз, шунга яраша муносиб меҳнат қилишимиз лозим.

— Бу йилги режаларингиз ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз? — сўраймиз у кишидан.

— Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги нишонланадиган жорий йилда томорқамиздан ҳам, фермер хўжалигимиз далаларидан ҳам ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирамиз. Бу — қуруқ, ҳавойи гап эмас. Ишонмасангиз, боғимизга киринг-да, хил-хил пишган гилосу ўриклардан татиб кўринг, пайкаллардаги дуркун ўсаётган ғўзаларга нигоҳ ташланг...

Алҳол, биз шундай йўл тутдик. Ва... боғдаги шиғил мевалар, ғаллазордаги оқара бошлаган бўлиқ бошоқлар, далалардаги қийғос шоналаган ғўзаларни кўриб, Салом Ғаниев хонадони учун бу йил ҳам баракали бўлишига инондик.

* * *

Қиссадан ҳисса: Салом Ғаниев — янги замон одами, янгича фикрловчи киши, томорқачи, ғаллакор, пахтакор, ҳақиқий деҳқон хўжалиги эгаси, бир сўз билан айтсак, ишбилармон фермер. Ёш мустақил давлатимиз тараққиёти учун ана шундай кишилар жуда-жуда зарур. Шу ўринда Президентимизнинг Олий Мажлис XI сессиясидаги нутқида баён этилган яна бир фикрни эслатиб ўтиш жоиз: **«Бугун деҳқон хўжалигини қонунлаштириб, эртага унинг эгаси нафақа олиши, пенсия олиши учун имконият яратаяпмиз. Шу тадбир, йўллар билан ишсизликнинг олдини олаяпмиз. Буни ҳам тарғибот қилишимиз, халқимизга тушунтиришимиз керак».**

Бизнинг ушбу мақоламизни ана шу хайрли иш йўлида қўйилган қадам, «хамир учидан патир», деб билгайсиз.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Усмонали НОРМАТОВ.**

## ХАБАРЛАР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

### ШАҲАРЧА ҚАД КЎТАРМОҚДА

Кейинги бир-икки йил ичида Жиззах шаҳрида кўп йиллар мобайнида қурилиши тўхтаб қолган маданий-маиший, ижтимоий биноларни тиклаш юзасидан кенг кўламли иш олиб борилмоқда. Яқинда «Сайилжойи» маҳалласида худди шундай «туя гўшти еган» бинонинг қурилиши ниҳоясига етказилиб, у замонавий ёпиқ сув спорти саройига айлантирилди. «Ғаллабанк», «Заминбанк», «Миллийбанк» бинолари, Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармасининг маъмурий идораси ҳам шу усулда қайта тикланди. «Оқ бозор», «Кўк бозор», «Олмазор» бозорлари эса кенгайтирилди.

Айни кунларда Ҳамроқул Носиров номли хўжаликнинг боғига туташ жойда Ишчилар шаҳарчаси барпо этилмоқда. Бу ерда 50 та коттеж қурилади.

**Н. ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТОШДАН... ПАХТА УНАДИ

Навоий шаҳрида яшовчи ота-бола Муродовлар анъанавий шиша тола ўрнини босадиган иссиқликни сақловчи материал ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бундай материални олиш технологияси базальт деб аталган тоғ жинсини майдалаб, эритишга асосланган. Янги маҳсулотга Тизол деб ном берилди. Уни харид қилиш учун жуда кўп буюртма тушаётгани Тизолнинг сифатли маҳсулот эканини тасдиқламоқда.

Мутахассислар экологик жиҳатдан соф базальт толадан кўп марта фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда. “Тизол” хусусий фирмасининг директори Т.Муродовнинг айтишича, ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда, тез орада тошдан олинган толани фақат мамлакатимиздаги эмас, ҳатто хориждаги истеъмолчилар ҳам харид қилишлари мумкин бўлади.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИДА

# БАНКРОТЛИК ЭШИК ҚОҚМАСИН

**Маълумки, хўжалик юритиш субъектларининг банкрот бўлиши давлат ёки жамият манфаатларига сезиларли зарар келтиради. Ҳар қандай давлат ёки жамият ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг яхши ишлаши тарафдоридир.**

Бозор иқтисодиётининг ўз қонунияти бор. Хусусан, бозор рақобати майдони, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг мажбуриятлари мавжуд мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли у товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабини қондиришга, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмас экан, у икки хил усул билан банкрот деб эътироф этилиши мумкин.

Биринчидан, корхона янги хўжалик юритиш субъекти ихтиёрий равишда тугатилаётганда уни ўзи банкрот бўлганлигини расмий эълон қилиши бўлса, иккинчиси — хўжалик судининг ҳал қилув қарори асосида амалга оширишдир.

Агар 1995 йилда республика хўжалик судларида 92та банкротлик ишлари кўрилган бўлса, бу рақам 1997 йили 253 тани ташкил этди. Банкрот деб эътироф этилган корхоналар сони ҳам 54 тадан 144 тагача кўпайган.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилганидек, банкротликка доир иш кузатиш кредиторининг (кредиторларнинг), прокурорнинг ёки ваколатли органнинг аризаси асосида амалга оширилади.

Бу ерда кредитор сифатида банк, солиқ идоралари, бошқа хил субъектлар қатнашиши мумкин. Шунингдек, 1996 йил 11 декабрдаги Республика Президентининг «Корхоналарнинг банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита ҳам ариза бериш ҳуқуқига эгадир.

Ўтган йили республика хўжалик судларига банкрот деб топиш бўйича ариза билан қарздорлар—9, прокуратура—55, банкротлик бўйича қўмита ва ҳудудий бошқармалари — 93, кредитор ва банк идоралари томонидан эса 96 марта мурожаат этилган. Жами 253 мурожаатдан 144 таси бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилган ва банкрот деб эълон қилинган. Одил судловни амалга ошириш кўпчилик корхоналар қарзларидан қутилган ёки тўлов қобилиятини тиклагани учун 91 та иш бўйича банкрот деб топиш ҳақидаги даъво аризалари рад этилган. 1998 йилнинг 1-чораги натижаларида Тошкент вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Наманган вилоятларида банкрот корхоналар сони ўсиб бораётганлиги кузатилди.

Президентимиз И.А Каримовнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йилги 4 март Фармони хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари жавобгарлигини ҳис этмаган ҳолда ўзибўларчилик, совуққонлик ва хизмат мансабини суиистеъмол қилиш оқибатида корхоналарни иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолишга қарши ҳуқуқий восита сифатида эълон қилинади.

Мазкур Фармон хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича иш кўраётган республика хўжалик судлари олдига жиддий вазифаларни қўйди.

Хусусан, хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилади. Иқтисодий ҳуқуқбузарликни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Хўжалик юритувчи субъектларга етказилган мулкий зарар айбдор шахслар ҳисобидан қопланади. Пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасигача олиб келган раҳбарларни ва бошқа ходимларни эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш каби ҳуқуқий ваколатлар хўжалик судларининг қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги масъулиятини оширди.

Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, республика хўжалик судлари томонидан ўтган қисқа давр ичида 50 дан ортиқ мансабдор шахслар устидан жиноий ишлар қўзғатилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноят иши қўзғатилганларнинг 37 таси бевосита корхона раҳбарлари бўлиб, улардан маъмурий тартибда 2 млн. 386 минг сўм жарима ундирилиб, 52 киши лавозимларидан четлатилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган мансабдор шахсларнинг «ҳотамтойлиги» туфайли корхоналарга 32 млн. 636 минг сўм зарар келтирилган.

Қашқадарё вилоят хўжалик судида «Интилиш-К ЛТД» масъулияти чекланган жамиятининг «Эскиангорканал қурилиши» трестига қарашли кўчма механизациялашган колоннасига 3224800 сўм ўтказиш ҳақидаги даъво аризаси кўрилди. Суднинг қарорига мувофиқ томонлар ўртасида тузилган шартномани бажармаслик оқибатларида корхонага етказилган зиён қурилиш ташкилотининг собиқ раҳбари Б. Эргашев (80000 сўм), ҳозирги раҳбари И. Ўринов (50000 сўм) ва бош бухгалтер Н. Исмоилов (80000 сўм)ларнинг шахсий ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Баъзан кредитор ва қарздор вужудга келган молиявий низони тинч йўл билан ҳал қилиш усулларини яхши ўрганмаганлиги ёки шартномалар асосидаги ҳолатларни тўғри англамасликлари ҳам хўжалик судларида банкротликка оид иш қўзғатишга сабаб бўлмоқда.Масалан, Тошкент вилоятида иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармасининг «Илхомбек» хусусий корхонасини банкрот деб эътироф этиш хусусидаги аризаси Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан кўрилади. Корхонанинг Бизнес-Фондидан олган қарзи 1 млн. сўм бўлиб, фоизи 2 млн. сўмга етганлиги аниқланган. Аммо суд жараёнида шу нарса маълум бўлдики, қарздор корхонанинг мол-мулки қарз суммасидан 2 баравар ортиқ бўлган. Даъвогарнинг «Илхомбек» хусусий корхонасини банкрот деб тан олиш талаби рад этилган.

Банкротлик жараёни бозор шароитида табиий жараёндир. Корхоналарнинг банкротликка учраши сабаблари ўрганилмоқда. Кўпинча бу корхона раҳбарларининг уқувсизлиги, бозор иқтисодиёти қонунларини яхши ўзлаштира олмаганлиги, молиявий муносабатларга нописандлиги оқибатидир.

Хўжалик раҳбарлари ўз корхоналарини банкротликдан муҳофаза қилишлари учун, энг аввало, бозор муносабатларини чуқур билишлари, етарли иқтисодий ва ҳуқуқий билимларга эга бўлишлари, юридик хизматни йўлга қўйишлари, шартномалар тузишга жиддий ёндашишлари лозим.

Хусусан, кредитлар бўйича шартномаларни тузишда молиявий мулкий имкониятларни тўғри баҳолай олишлари керак. Энг муҳими, хўжалик низоларини бартараф этишда ўз вақтида хўжалик судларига мурожаат этиш лозим, бу ижобий ҳолатларга олиб келади.

Банкротлик эшик қоқмаслиги раҳбар салоҳиятига, тадбиркорлигига тўғридан-тўғри боғлиқлигини бозор иқтисодиёти кўрсатмоқда.

**Меҳмонали НИЁЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди матбуот хизмати раҳбари.**

## НИГОРАНИНГ ШИРМОЙ НОНЛАРИ





Қўқон нон комбинати қошида «Миллий нон» деб номланган янги завод иш бошлади. У «Винклер», «Рус печи», «Экмасан» сингари энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ҳозир бу ерда кунига 20 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

**СУРАТЛАРДА: бригадир Нигора Турдиқулова ва технолог Зайнабхон Абдураупова; нон расталари.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

**Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади. Ҳамманинг ҳаловати, осойишталиги йўқолади. Ана шу ҳақиқатни чуқур ҳис этган Андижон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ҳар бир оиланинг тинч ва мустаҳкам бўлишига, кишилар ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик сингари одамийлик фазилатларини камол топтиришга, умуминсоний қадриятларни янада шакллантиришга эътибор қаратмоқдалар.**

# БАРАКА — АҲИЛЛИКДА

Маҳалламизда 665 та хонадон бор. Ҳар биримиз кўча ва гузарларимизнинг саранжом-саришталиги, ободлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз. Шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилаётган «Энг намунали хонадон», «Энг ибратли келинчак» сингари кўрик-танловларда мунтазам равишда юқори ўринларни эгаллаб келаётганлигимизнинг боиси ҳам шундан.

Матбуотда эълон қилинган «Кўнгилдаги бузилиш», «Бир болага етти маҳалла ота-она ёхуд ваҳҳобийлик, илмсизлик, лоқайдлик ҳақида баҳс» туркум мақолаларни ўқидик. Экстремистик руҳдаги ваҳҳобийлик ҳаракатига ўз вақтида чек қўйилганлигидан хурсандмиз. Матбуотда бундай чиқишлар жуда фойдали, деб ўйлаймиз.

Ота-она, мактаб, маҳалла тарбиясини олган, кексалар ўгитига қулоқ тутган ўсмир ҳеч қачон инсон шаънига доғ бўлиб тушувчи ишларга қўл урмайди. Аксинча, ўзига маъқул ҳунарни эгаллайди. Яхши хулқи билан эл-юрт олдида ҳурмат топади. Маҳалламизда Худойбердиохун Нурфайзиевлар оиласини ҳамма ҳавас билан тилга олади. Бу аҳил оилада олти ўғил, тўрт қиз камол топган. Уларнинг ҳаммаси уй-жойли, ҳунарли, меҳнаткаш. 72 ёшга қадам қўйган Худойбердиохун ота маҳалламизда ўтказиладиган ҳар бир маросимда бош-қош. Зарурат туғилса ўғил-қизлари ишлаб топган пулнинг бир қисмини олиб, кам таъминланган оилаларга тарқатади. Яқинда ота бошлиқ фарзандлар маҳалламизда яшовчи ота-онаси йўқ қизимизнинг тўй сепини олиб беришди. Гилам, сандиқ, 16 минг сўм пул ҳадя этишди. Бундан ташқари қаровчиси йўқ олти кишига минг сўмдан пул тарқатишди.

Абдусалом ҳожи Тоировлар оиласи ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Бу каби табаррук зотлар ёшларимизни тўғри йўлга солиш, жамият ишига камбарсата қилиш, меҳнаткаш, ҳалолу пок инсонлар бўлиб улғайишларида оталик меҳрини бахшида этмоқдалар.

Ёшлар тарбиясида, оиланинг мустаҳкам бўлишида, маъракаларимизнинг серфайз ўтишида маҳалланинг аҳамияти беқиёс катта эканлигини унутмаслигимиз керак. Ҳар бир маҳаллада маънавий-маърифий ишларни кучайтиришимиз зарур. Ички ишлар бўлими нозирлари, ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларининг ходимлари маҳаллаларда бўлиб, ишсиз юрган ёшлар, оиласи нотинч фуқаролар, умуман жамоатчилик билан суҳбатлар ўтказишса, савол-жавоблар қилишса, айни муддао бўлар эди. Бу каби тадбирлар ҳуқуқий билимни ошириш, ғафлатда юрган айрим ёшялангларни сергак торттиришда катта аҳамият касб этади. Ҳолбуки, юқорида номлари тилга олинган ташкилотларнинг вакилларини жуда кам кўрамиз.

Қанчалар аччиқ бўлмасин тан олиш керакки, кўплаб ҳамкасбларим ўз ваколатларини ҳали-ҳануз тушуниб етмаяпти, маҳаллани маданий-маърифий, оммавий, ижтимоий-сиёсий ишлар марказига айлантира олмаётир. Уларнинг кўпи фақат турли маълумотнома ва нафақалар бериш билан машғул бўлмоқда.

Бугун ишга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз зарур, чунки бу давр тақозоси. Яқинда ўн беш нафар оқсоқолдан иборат ёшлар билан ишлаш, ҳеч қаерда кўним топмай юрганларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш, мактабга қатнаётган ўсмирларнинг хулқ-атворини кузатиб бориш, ноаҳил оилаларни тиклаш ишчи гуруҳини ташкил этдик. Гуруҳ аъзолари маҳалла ўрамидаги ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, ўзларининг таклиф ва истакларини ўртага ташламоқда.

Маҳалла шаъни, нуфузи, обрў-эътибори оила шаъни каби муқаддасдир. Шу боис унга доғ туширмаслик, соғлом муҳитни қарор топтириш шу гўшада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлмоғи керак.

**Муҳаммаджон ТЎРАБОЕВ,**
**Андижон шаҳридаги «Андижон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 26 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 54,88 |
| 1 Австрия шиллинги | 7,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 143,16 |
| 10 Бельгия франки | 24,18 |
| 1 Голландия гульдени | 44,27 |
| 10 Греция драхмаси | 2,91 |
| 1 Дания кронаси | 13,10 |
| 1 БАА дирхами | 23,89 |
| 1 АҚШ доллари | 87,76 |
| 1 Миср фунти | 25,79 |
| 1 Ирландия фунти | 125,40 |
| 1 Исландия кронаси | 1,24 |
| 10 Испания песети | 5,87 |
| 100 Италия лираси | 5,06 |
| 1 Канада доллари | 60,52 |
| 1 Хитой юани | 10,60 |
| 1 Қувайт динори | 291,08 |
| 1 00 Ливан фунти | 5,80 |
| 1 Малайзия ринггити | 23,09 |
| 1 Германия маркаси | 49,89 |
| 1 Норвегия кронаси | 11,84 |
| 1 Польша злотийси | 25,81 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,89 |
| 1 Сингапур доллари | 53,45 |
| 1 СДР | 117,95 |
| 1000 Туркия лираси | 0,34 |
| 1 Финляндия маркаси | 16,43 |
| 1 Франция франки | 14,88 |
| 1 Швеция кронаси | 11,44 |
| 1 Швейцария франки | 59,84 |
| 1 ЭКЮ | 98,12 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,64 |
| 10 Япония иенаси | 6,42 |
| 1 Россия рубли | 14,25 |
| 1 Украина гривнаси | 42,72 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,47 |
| 1 Латвия лати | 147,00 |
| 1 Литва лити | 21,94 |
| 1 Молдава лейи | 18,55 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,41 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

